O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# ЯНГИ – 2006 ЙИЛ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 31 декабрь, шанба • № 104 (11.803) • Эркин нархда сотилади

## ЛАҲЗАЛАР ШУКУҲИ

**Мустақил Ўзбекистонимиз яшариб, яшнаб бораётир. Зеро, халқимиз ҳаётида янгича мазмун, янгича дунёқараш, янгича яшаш руҳи мана ўн тўрт йилдирки, ўз бўйини, камолини намойиш этмоқда. Юртимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни, қадри, нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётир.**

Хўш, ҳаётимиздаги янгиланишлар нималарда намоён бўлмоқда?! Аввало, эл-юртнинг бахт калити — тинчликда. Бугун Ўзбекистон наинки минтақада, балки жаҳонда тинчлик, баҳамжиҳатликка астойдил интилувчи мамлакат сифатида танилди. Юртимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсати йирик давлатлар томонидан эътироф этилмоқда. Кузатаётган йилимизнинг тинчликни мустаҳкамлашдаги яна бир жиҳати Ўзбекистон халқлари — мамлакатимизда яшаётган юздан ортиқ миллат ва элат фарзандларининг баҳамжиҳатлигида намоён бўлаётир. Бугунги Ўзбекистон мана шу қардош-қондош миллатларнинг ягона оиласи, умумий уйи бўлиб қолди. Ҳар бир фуқаро уни обод қилиш, турмушга файз-барака бағишлаш иштиёқида яшамоқда ва меҳнат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўтаётган йилнинг аввалида — 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг устувор йўналишларини батафсил таърифлаб берган эди. Шунингдек, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тармоғини тубдан ислоҳ қилишда фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг аҳамияти нечоғли катта эканлиги ҳам алоҳида таъкидланган эди. Бугун вилоятимизда 2005 йил давомида олиб борилган амалий ишлар кўламига назар ташлаб, давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари муваффақиятли бажарилганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Зеро, Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг шу йил 7 ноябрь куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз вилоятимиз иқтисодиётининг кўпгина соҳа ва тармоқларидаги ижобий ўзгаришларни алоҳида мамнуният билан тилга олгани бежиз эмас. Айниқса, «Олмалиқ кон-металлургия», «Ўзбекистон металлургия», «Ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар» комбинатлари, «Аммофос», «Электркимёсаноат», «Оҳангаронцемент», «Лаззат» акциядорлик жамиятлари, Ангрен кўмир конлари каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Янги йил эшик қоқмоқда. Шундай қувончли дамларда барча хайрли ишларни қайта-қайта тилга оламиз, улар билан ғурурланамиз. Айниқса, қурилиш ва ободончилик ишлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимидаги салмоқли ўзгаришлар вилоятимиз аҳлининг бунёдкорлик, яратувчанлик хислатлари янги куч

(Давоми 2-бетда).





Президент арчаси:

## БОЛАЛАР ҚАЛБИ ШОДЛИККА ТЎЛДИ

**Ҳамма байрамларнинг ҳам ўз таровати бор. Бироқ, улар орасида Янги йил айёмининг ўрни бўлакча. Бу байрамда айниқса, болажонлар обдон қувнаб-яйрашади.**

Юртимизда бир неча йилдан бери анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Президент арчаси» шодиёналари эса уларга оламжаҳон қувонч ҳадя этади.

«Президент арчаси» — бу шунчаки тантана эмас. У аввало, мамлакат раҳбарининг юртимиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, маҳалла ва қишлоқларда ўзгалар қарамоғида улғаяётган болаларга бўлган юксак ғамхўрлиги ва эътибори, оталарча меҳрибонлигининг ёрқин намунасини ифодаловчи ўзига хос маросимга айланган, десак хато бўлмайди.

Бу сафарги Янги йил байрами арафасида ҳам ҳеч бир мурғак қалб эгаси Юртбошимиз ғамхўрлигидан четда қолмади. «Президент арчаси» байрам тадбири вилоятимизда кенг нишонланди. Марказий тантаналар Олмалиқ шаҳридаги «Металлург» маданият саройида бўлиб ўтди. Унда вилоятимиз туман ва шаҳарларидан келган 200 га яқин болажонлар катта шодиёнага гувоҳ бўлиб, Президент совғаларини қабул қилиб олдилар.

Бу йилги совғалар аввалгиларидан фарқ қилади. Байрамона руҳ акс эттирилган бежирим қутилар 24 номдаги зарур ўқув қуроллари ва ширинликлар билан тўлдирилган. Совғаларнинг ҳар бирига Юртбошимиз номидан битилган табрикнома ҳам солинган.

Тадбирнинг асосий меҳмонлари бўлмиш кичкинтойлар юзидаги табассум ва ҳаяжонни кўриб, беихтиёр уларни суҳбатга тортамиз.

— Исмим Ўрозали, — деб ўзини таништирди улардан бири, — Оҳангарон туманидан келганман. Бошланғич синфда аъло баҳоларга ўқияпман. Юртбошимизнинг ғамхўрликлари ва эътибори-

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

**Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаёти, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам – Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:**

1. 2006 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 10 январга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2006 йил 10 январь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 29 декабрь.

## ТИЛАК

*Янги йил ҳар дилга оромбахш куйдир,*
*Бир-биринг қутласанг, шу ҳам бир тўйдир,*
*Болали уйларинг бозорли уйдир,*
*Ўзингдан кўпайгин, отажон — элим!*

*Ҳеч қачон юзларинг бўлмасин сўлғин,*
*Ҳур давр бу, ҳар куни ниятдай тўлгин,*
*Аввало, ўзингга елкадош бўлгин,*
*Ўзингдан кўпайгин, отажон — элим!*

*Тойчоқ минган боланг от минар бир кун,*
*Яхши бир тилак айт, Янги йил учун,*
*Сен айтган тилакка қўшилмай нечун,*
*Ўзингдан кўпайгин, отажон — элим!*

*Ҳеч қачон тўзмасин эгнингда тўнинг,*
*Ўзгага қолмасин ҳеч қачон кунинг,*
*Энди кўп бўлади қувончли онинг,*
*Ўзингдан кўпайгин, отажон — элим!*

*Қадам дадил бўлса, йил дадил бўлар,*
*Дунёда қолса ҳам яхшилик қолар,*
*Қўлингдан ишингни ўз боланг олар...*
*Ўзингдан кўпайгин, отажон — элим!*

**Ҳамид НОРҚУЛ.**

*Йил сарҳисоби*

## ДЕҲҚОННИНГ ЮЗИ ЁРУҒ

**Янги йилни катта меҳнат ютуқларидан руҳланиб, ёруғ юз билан қарши олишга нима етсин?!**

Бундай пайтларда эришилган муваффақиятлардан кўнгил чоғ, хотиржам бўлади, айём шукуҳи татийди, бунданда юксак марралар кўзланади, холис ниятлар, эзгу мақсадлар дилга тугилади.

Тошкент туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалигининг уста деҳқонлари, боғбону соҳибкорлари келаётган йилни ана шундай сурур билан қарши олмоқдалар. Якунланаётган йилда ҳам ширкат деҳқонлари салмоқли натижаларга эришиб, асосий тармоқ бўлмиш ғалла ва сабзавотчилик бўйича шартномаларни ортиғи билан адо этдилар.

— Жами майдонларимиздан 1550 тонна ғалла ўриб олдик, — дейди хўжалик бош ҳосилоти Миржалил Тоҳиров. — Сабзавоткор пудратчиларимиз ҳам тугаётган йилни яхши якунлашди. Улар 2190 тоннадан ошиқ сабзавот маҳсулотлари етиштириб, энг сараларини шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилишди, қолганлари қайта ишлов корхоналарига топширилди. Шунингдек, бу йил ўзимизнинг қарамоғимиздаги помидорни қайта ишловчи цехни таъмирлаб, ишга туширганимиз, айниқса, яхши бўлди. Маҳсулотимизнинг каттагина қисми ўз цехимизда қайта ишланиб, қадоқланди.

Йил якуни бўйича ялпи даромад қарийб 300 миллион сўм, соф фойда эса 187 миллион сўм бўлиши кутилмоқда. Шунга яраша хўжалик меҳнаткашларининг иқтисодий манфаатдорлиги ҳам ортиб, турмуш шароити яхшиланиб бормоқда. Хусусан, режадан ортган 130 тонна ғалла пудратчи, сувчи ва механизаторларга улашилди, сабзавот маҳсулотларидан аъзоларга улуш тақсимланди. Янги йил муносабати билан ҳудуддаги 650 нафар боғча ва бошланғич синф ёшидаги ўғил-қизларга хўжалик ҳисобидан байрам совғалари тортиқ этилмоқда.

Шунингдек, хўжалик ўз даромадлари ҳисобидан ҳудуддаги ижтимоий инфратузилмалар қиёфасини янгилаб, шароитларини яхшиламоқда, тубдан таъмирлаб, талаб даражасига келтирмоқда. Хусусан, иккита қишлоқ врачлик пункти сифатли тезкор тиббий хизмат андозаларига мос равишда қайта жиҳозланди. 2 та умумтаълим мактаби ва 3 та мактабгача тарбия муассасаси шароитини яхшилаш, биноларини таъмирлашга ҳам хўжалик муносиб ҳисса қўшаяпти. Масалан, 2005 йилнинг ўзида айнан шу мақсадлар учун 11 миллион сўм атрофида маблағ сарфланди. Келаётган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да бундай хайрли юмушлар кўлами янада кенгайиши шубҳасиз.

Хўжалик меҳнаткашлари айни байрам арафасида ҳам келгуси йил ҳосили қайғусида зарур юмушлар билан банд. 300 гектар ғалла майсалари кўзни қувонтиради. Уларга боқиб, келаси йилги ризқимиз бунданда баланд, иқболимиз ёруғ бўлишига амин бўласан, киши.

**Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

**Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмаси томонидан вилоятдаги қатор давлат, нодавлат, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик режаси тузилиб, йил давомида қизғин иш олиб борилди.**

Уларни таҳлил қилар эканмиз, йил мобайнидаги ҳаракатлар бесамар кетмаганлигининг гувоҳи бўламиз.

Сўровнома натижаларини умумлаштириб айтиш мумкинки, истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан хабардорлиги ва бу ҳуқуқларидан амалда тўла-тўкис фойдалана олиши намоён бўлмоқда.

## МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Асосий эътибор истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш, аҳолининг истеъмол ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга қаратилди.

Туман, шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида» мавзуидаги ўқув машғулотларда истеъмолчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, йиллар давомида қийнаб келаётган муаммоларни жойида ҳал этишга алоҳида эътибор берилди. Бунинг натижасида истеъмолчиларнинг маданий ва ҳуқуқий онги ошиб, улар ўзларининг истеъмол ҳуқуқлари поймол бўлганида кимга ва қаерга мурожаат қилиш самарали эканлигини ҳам билиб олишди.

Шунингдек, марказий ва вилоят нашрларида йил давомида бериб борилган мақолалар, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун шарҳининг чоп этилиши, вилоят ҳудудий бирлашмаси томонидан нашр этилган «Товар ёрлиқлари ва штрихли кодлаш» рисоласи, истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқларини ўзида акс эттирган ҳар хил кўринишдаги буклетлар, плакатларнинг ўтказилган семинарда бевосита тарқатилиши, жамият таянч гуруҳлари раислари билан мунтазам олиб борилган мулоқотлар қанчалик самара бераётганлиги йил якуни арафасида ўтказилган «Истеъмолчи, ўз ҳуқуқингизни ҳимоя қила оласизми?» сўровномалари жавобларида ўз аксини топди.

Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни аҳолининг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлабгина қолмай, мамлакатда демократиянинг мунтазам ривожланиши ва такомиллашишида муҳим омиллардан бирига айланиб бормоқда.

**Камолжон ШОДИМЕТОВ,**
**Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмаси раиси.**

## ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЭВАЗИГА

**Саноатимиз фахри ҳисобланган Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг кўп минг кишилик байналмилал жамоаси 2005 йилни муваффақиятли якунламоқда. Корхонада ишлаб чиқарилган рангли металларнинг бозори доим чаққон бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Кейинги йилларда маҳсулотнинг учдан икки қисми экспорт қилинмоқда.**

Металлурглар маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва сифатини ошириш мақсадида илғор технологияларни ва замонавий асбоб-ускуналарни жорий қилмоқдалар. Чунончи, комбинатнинг мис саралаш фабрикаси қувватини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шу туфайли 1962 йилда ишга туширилган бу корхонанинг ҳозирги қиёфаси олдингисидан кескин фарқ қилади. Илгари чанг-тўзон аримайдиган фабрика ҳозир ёруғ, ҳавоси экологик тоза.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» арафасида корхонада яна бир техникавий тадбир ниҳоясига етказилди. Бу ерда мис саралаш секцияларининг айримлари такомиллаштирилди. Ҳар йили 15 миллион тонна мис маъдани сараланадиган фабриканинг қуввати яна уч миллион тоннага ортди. Маъдандан мис ажратиб олиш уч фоизга кўпаядиган бўлди. Кўп миқдорда электр қувватини тежаб қолиш имкони туғилди. Иш шароити ҳам сезиларли яхшиланди. Фабрика ишлаб чиқаришини такомиллаштириш ишлари давом эттириляпти.



# «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – келгуси йилда ҳам доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

Бизнинг обуна индексимиз – 205.

## Бу йил вилоятда...



Якунланаётган йил вилоятимиз пахтакорлари учун омадли келди. Вилоятимизнинг 275000 тоннадан зиёд «оқ олтин» хирмонига деярли барча туманлар, ширкат ва фермер хўжаликлари салмоқли улуш қўшди. Айниқса, Бекобод, Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Бўка, Чиноз, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ тумани деҳқонлари хирмонга баракали улуш қўшдилар.

Ғаллакорларимиз ҳам зиммаларидаги давлат буюртмасини вақтида, ортиғи билан адо этиб, Янги йилни ёруғ юз билан қарши олмоқдалар. Улар уйган сара дон хирмони 268400 тонналик шартнома режасидан анча салмоқли бўлди. Аксарият пудратчи ва фермерлар ҳосилдорликни 65-70 центнерга етказдилар.





Ўтаётган йилнинг 1 ноябрь ҳолатига вилоятда жами 20904 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган. Ўтган йилнинг тўққиз ойи якуни бўйича вилоятда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг 8,1 фоизи, қишлоқ хўжалигида 80,8 фоизи, қурилишда 42,2 фоизи, савдода 40,2 фоизи, пулли хизматда 43,5 фоизи, экспортда 7,1 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳисобига тўғри келди.

Вилоятда йил бошидан бери 653 миллион доллардан зиёд маҳсулот экспорт қилинди ёки режа 24 фоиз ортиғи билан бажарилди.

Экспорт режаси Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида, Бўстонлиқ, Зангиота, Юқоричирчиқ, Қибрай, Паркент, Тошкент ва Янгийўл туманларида муваффақиятли адо этилди.



# ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ АНЪАНАЛАРИ

### БУЛОҚ СУВИ БИРИНЧИ ИЧИМЛИК

Янги йил байрамини **ЯПОНЛАР** ўзларига хос анъана билан кутиб оладилар. Янги йил арафасида жами идиш-товоқлар тозалаб ювилади, эски йил сувидан бир томчи ҳам қолдирилмайди, идишларнинг барчасига тоза булоқ суви тўлдирилади, хонадонларнинг эшикларига узоқ умр ва садоқат рамзи ҳисобланувчи бамбук ва қарағай новдаси осиб қўйилади.

Янги йил кириши билан зилол булоқ сувидан ичилади. Булоқ суви Янги йилда оғизга олинадиган биринчи ичимликдир.

### ҚУМДАН ТОҒЛАР ЯРАТИЛАДИ

**КАМБОДЖАДА** Янги йил байрами апрель ойида ўтказилади. Байрамдан бир неча кун олдин мамлакат пойтахтидаги кумуш Будда ибодатхонасида қумдан «тоғ» ясалади. Ривоятларга кўра, «тоғ» остида Будданинг сочи сақланармиш. Қум «тоғи» этагига ким қанча кўп қум зарраси ташласа, у шунча кўп гуноҳидан халос бўлар эмиш. Қум «тоғлари» мамлакатдаги барча Будда ибодатхоналарида ҳам ясалади. Хонадонларда эса гуруч ва сомсадан «тоғ» ясалади.

### ҲАТТО АВГУСТДА ҲАМ НИШОНЛАШАДИ

**ҲИНДИСТОННИНГ** турли жойларида Янги йил турли вақтларда байрам қилинади. Шимолий Ҳиндистонда байрам апрелда, жанубий ўлкаларда июль, ҳатто августда ўтказилади. Расмий доиралар эса Янги йилни 1 январда нишонлайдилар.

Янги йил байрами арафасида кўчалар, уйлар тозаланади, гулчамбарлар билан безатилади. Янги йилнинг биринчи куни ҳамма чўмилади. Байрам кунлари ўтган йилни эслаб, Янги йил режалари тузишади, бир-бирларига бахт-саодат, тинч ҳаёт тилашади.

### БУЮМЛАРДАН ... ВАРАҚИ

**РУМИНИЯДА** Янги йилни 1 январда байрам қилишади. Янги йил байрамида меҳмонлар дастурхонига махсус тайёрланган варақилар тортилади. Одатга кўра, варақилар ичига танга, узук, чиннидан ишланган митти қўғирчоқ ва қалампирга ўхшаш нарсалар солиб пиширилади. Меҳмон варақини еб, ўз «бахт» ва «иқбол»ини синайди. Варақида кимга нима чиқса бахтидан кўради. Меҳмон қизга узук чиқиши унинг шу йилда турмушга чиқишидан, аёлга қўғирчоқ чиқиши унинг фарзанд кўришидан далолат берармиш; умуман, танга чиққан кишига бахт ёр бўлади, деб нақл қиладилар. Варақидан қалампир (гармдори) чиқиши шўр пешоналик белгиси эмиш.

**ЯНВАРЬ**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| С | | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ч | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| П | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ж | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Ш | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Я | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |

**ФЕВРАЛЬ**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| С | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ч | 1 | 8 | 15 | 22 | |
| П | 2 | 9 | 16 | 23 | |
| Ж | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Ш | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Я | 5 | 12 | 19 | 26 | |

**МАРТ**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| С | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ч | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| П | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ж | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ш | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Я | 5 | 12 | 19 | 26 | |

**АПРЕЛЬ**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 3 | 10 | 17 | 24 |
| С | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| Ч | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| П | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ж | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ш | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Я | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |

**МАЙ**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| С | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ч | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| П | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ж | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ш | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Я | 7 | 14 | 21 | 28 | |

**ИЮНЬ**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| С | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ч | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| П | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ж | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ш | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Я | 4 | 11 | 18 | 25 | |

# 2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили





**БАЙРАМ КУНЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги кунлар байрам (дам олиш куни) деб белгиланган:

1 январь – Янги йил
8 март – Хотин-қизлар куни
21 март – Наврўз байрами
9 май – Хотира ва қадрлаш куни
1 сентябрь – Мустақиллик куни
1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни
8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни
– Рамазон ҳайитининг биринчи куни
– Қурбон ҳайитининг биринчи куни

**ИЮЛЬ**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| С | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ч | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| П | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Ж | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Ш | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |
| Я | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 | |

**АВГУСТ**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| С | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ч | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| П | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ж | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ш | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Я | 6 | 13 | 20 | 27 | |

**СЕНТЯБРЬ**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| С | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Ч | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| П | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ж | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ш | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Я | 3 | 10 | 17 | 24 | |

**ОКТЯБРЬ**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| С | | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Ч | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| П | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Ж | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Ш | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Я | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |

**НОЯБРЬ**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| С | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ч | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| П | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ж | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Ш | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Я | 5 | 12 | 19 | 26 | |

**ДЕКАБРЬ**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Д | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| С | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Ч | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| П | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ж | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ш | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Я | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |

*Айтишларича...*

## МУЧАЛ ВА БУРЖЛАР

**Мучал тақвими бўйича 2006 йил 21 мартдан ит йили бошланади. Одатда, ит йили алоқаларни қайтадан тиклаш ва оила қуриш учун омадли ҳисобланади.**

2006 йил, айниқса, Чаён буржи остида туғилганларга омад олиб келади. Уларда узоқ давом этаётган турғунлик ҳолати поёнига етади. Уларга яхши даромад келтирувчи иш юзасидан таклиф тушиши мумкин. Шунингдек бу йил Балиқларга ҳам ўзлари истаган соҳаларда фаолият юритишларига имконият яратиб беради. Кўпгина Қисқичбақалар учун бу йил – оила қуриш йили бўлади. Бузоқ буржи остида таваллуд топганларнинг кўпи оила қурмаса-да, бироқ ўз севгиларини топишлари кузатилмоқда. Паризодларга бу йил ўзларини "кўрсатиш" учун омадлидир. Тоғ эчкиларини йил бўйи атрофларидаги яқин инсонлари ва дўстлари қўллаб-қувватлайдилар. Эгизак, Тарозу ҳамда Қовға буржи эгалари турли кўринишлардаги синовларга тайёр туришлари керак. Уларга омад жудаям кулиб боқмаса-да, жиддий қийинчиликларга ҳам дучор бўлмайдилар. Ҳаётдан аниқ нима кутаётганликларини билишлари тақдир уларни омад томон етаклайди. Қўй, Арслон ҳамда Ўқотарлар учун 2006 йил оғир, бироқ қизиқ кечади. Қўйлар атрофдагиларга эътиборлироқ бўлсалар зарар қилмайди. Арслонлар эса ўзларига ташқаридан етарлича эътибор сезмайдилар ва шу сабабдан ҳам кўп нарсаларга иштиёқлари бўлмайди. Ўқотарлар доно маслаҳатчи топсалар, турли қийинчиликларни осон енгишга эришадилар.

## «Қорбобо» пишириғи



**Керакли масаллиқлар:**

**Хамирига:** 250 гр. ун; 120 гр. сариёғ; 3 дона тухум сариғи; 100 гр. шакар; истеъмол содаси.

**Безагига:** 3 дона тухум оқи; 100 гр. чақилган ёнғоқ; 100 гр. шакар.

**Тайёрланиши:** ун, сариёғ, тухум сариғи, шакар ва содадан хамир тайёрланг. Тайёр бўлган маҳсулотни ёғ суртилган идиш ёки қолипга солиб, ўрта ҳароратда пишириш керак. Тайёр бўлгандан сўнг уни майда бўлакларга бўлинг. Безаги тухум оқи, ёнғоқ ва шакар пудрасидан тайёрланади. Бундай пишириқ жуда ширин бўлади.

**Бўка агросаноат касб-ҳунар коллежи**

жамоаси барча ватандошларимизни, хусусан, вилоят аҳлини Янги йил байрами билан самимий қутлайди!

Янги йил ҳар бир хонадонга файзу тароват, қувонч олиб келсин!
2006 – «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да
юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо,
умримизнинг ҳар бир куни хурсандчиликка тўла бўлсин!
Келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги
эзгу ишларимизда ҳамиша омад ёр бўлсин!



«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2005 йил 24 декабрь кунидаги 102-сонида чоп этилган Тошкент туман суд ижрочилари бўлинмаси томонидан эълон қилинган 2006 йил 24 январь кунида ўтказиладиган кимошди савдосига қўйилган иккинчи хат бошидаги 2 рақамли транспорт воситаси ҳақидаги пункти қуйидагича ўқилсин:

«ГАЗ-322132-224» русумли автомобиль, давлат рақами 30 J 6501, техник носоз, бошланғич нархи – 5.000.000 сўм.

Кимошди савдоси 2006 йил 30 январь куни бўлиб ўтади».

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2004 йилда Санаев Мирзоҳид Эркинович номига берилган В 152877 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО «KOSMENIZO» расположенное по адресу г. Ташкент, ул. К.Шарипова, 26, объявляет о смене учредителей.

Уставный фонд остается по-прежнему.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-242. Адади 2623. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.*

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.15. 1 2 3 4 5